O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 9-OKTABR ■ PAYSHANBA ■ 119 (27.139) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7 октябрь куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиққанини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади.

Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари — Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: «Пахтабанк» бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Тошкент шаҳридаги «Файз-барака» компанияси раҳбари М.Акромова, Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

Суратларда: учрашув пайтидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади — ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг ғоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури хусусида муҳокамалар, баҳслар олиб бориляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқибатда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, авваламбор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, авваламбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими — ижтимоий ҳаракат бўладими — охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон-бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бошидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир йўлларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.

(Давоми 2-бетда.)

САРИОСИЁ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сиз, сариосиёлик миришкор деҳқонларни, бутун туман аҳлини 17 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хомашёси тайёрлаб, белгиланган шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Қишлоқ хўжалиги учун оғир келган бу йилги шароитда сизлар эришган бундай улкан ғалаба замирида, аввало, Сурхон воҳаси деҳқончилик мактабига хос илғор тажрибалар, лафзи ҳалол, заҳматкаш пахтакорларимизнинг мавсум давомида қилган фидокорона меҳнати, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, тобора кучайиб бораётган ерга эгалик ва ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлик туйғуси мужассам, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сизларнинг ўз имкониятларингизни ҳисоблаб чиқиб, ялпи хирмон салмоғини 21 минг тоннага, ҳосилдорликни эса 37 центнерга етказишга азму қарор қилганингиз айниқса таҳсинга сазовор.

Ишнинг негизини биладиган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмайдиган изланувчан ва ташаббускор инсонларгина юксак марраларни эгаллашга қодир. Ўзининг ана шундай фазилатлари билан эл-юртимизда танилган Сариосиё аҳли қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритади, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги катта меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо ишингизнинг ривожини берсин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САРИОСИЁЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

ТЕРМИЗ. (ЎзА мухбири Чори Тўхтаев). Сариосиё тумани пахтакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарди. Улар 17 минг тонна пахта териб олди. Ҳосилдорлик ўттиз центнерни ташкил этди.

Бобур номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Н.Бўронов 42 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан, С.Кассиров номидаги ширкат хўжалиги пудратчиси Гулнора Нусратова эса 20 гектар ердан 38 центнердан ҳосил олди. «Сарвар» фермер хўжалиги 37 центнердан хирмон кўтарган бўлса, «Уста Эшмат» фермер хўжалиги ҳосилдорликни 42 центнерга етказди.

Сариосиёлик пахтакорлар ялпи хирмон салмоғини 21 минг тоннага, ҳосилдорликни эса 37 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. А. АЗИЗХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 октябрь.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОТИБИЯТИ ЙИҒИЛИШИ

2003 йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Котибият йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови Ўзбекистон ХДП учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражалардаги партия кенгашларига ушбу сайловларни ўтказиш билан боғлиқ тегишли тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок қилиш ҳамда уларнинг юксак савияда ўтишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг бу жараёнларда фаол қатнашишларини таъминлаш, аҳоли ўртасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш раислари йиғинларининг мақоми ва ваколатларини ҳамда ушбу масалалар бўйича ХДП нуқтаи назарини тушунтириш, амалдаги қонунлар доирасида ҳаракат қилиб, ташкилотчилик қобилиятига ва аҳоли ўртасида ҳурматга эга, сиёсий фаол, муносиб ватандошларимизни фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишларига эришиш ишига ҳисса қўшиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Э.Де Врайер иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда 2003 йил 30 сентябрдан 8 октябргача Халқаро валюта жамғармаси миссияси Ўзбекистон Республикасида бўлгани маълум қилинди. Ушбу ташрифнинг асосий мақсади 2003 йилнинг июнида келишилган «Миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлашга доир ҳаракатлар режаси»нинг амалга оширилиши натижаларини баҳолашдан иборат эди.

Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари ушбу жараён натижаларига асосан шуни қайд этдики, Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банки мазкур Ҳаракатлар режасида кўзда тутилган тадбирларни тўла амалга оширган, мавжуд барча валюта чекловларини бекор қилган ҳамда жорий халқаро операциялар бўйича валюта бозорининг эркинлаштирилишини ниҳоясига етказган.

Қайд этилдики, қатъий пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати юритилиши натижасида инфляция даражаси кескин қисқарди ва валюта айрибошлаш курсларининг ташқи молиявий кўмак жалб этмасдан бирхиллаштирилиши таъминланди.

Ҳукумат вакили амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси 2003 йилнинг 15 октябрдан ўз зиммасига Халқаро валюта жамғармаси Битим Моддаларининг VIII моддасига мувофиқ мажбурият олганлигини ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Марказий банкининг бу ҳақда Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Х.Келлерга йўлланган тегишли расмий хати миссияга топширилганлигини маълум қилди.

Матбуот анжуманида алоҳида таъкидландики, жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясининг йўлга қўйилиши ва Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришиш борасидаги ютуқлар иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларни, жумладан, хусусийлаштириш дастурини жадаллаштиришга, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда бозор муносабатларини чуқурлаштиришга, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги иштирокини камайтиришга қаратилган маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга пухта замин ҳозирлайди.

Халқаро валюта жамғармаси миссияси ва расмий органлар ўртасида ҳукуматнинг 2004 йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган дастури бўйича атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

Уни ўтказишдан мақсад — мустақиллигимиз бошида мамлакат бўйича етиштирилган 940 минг тонналик ғалла хирмони ўн икки йилда 5 миллион 100 минг тонналик маррадан ҳатлаб ўтганлигини кенг жамоатчиликка, талаба-ёшларга етказиш ҳамда чуқур тушунтиришдан иборат эди.

... Дарвоқе, бунга осонликча эришилмади. Президентимиз Ислом Каримовнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, июль) сўзлаган маърузасидаги мана бу сўзларни бир эсланг: **«...Жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...»**

Бу гаплар ортида ўта катта муаммо, ўта катта ташвиш ва ўта катта вазифалар ётарди. Аҳолиси йигирма бир миллион нафар халқни боқиш ўз-ўзидан бўлмасди... Четдан ғалла келтириш учун эса валюта топиш талаб қилинарди. Мамлакатга камида 5 миллион тонна ғалла керак эди. Лекин олдимизда уни қаердан, қайси маблағга, қанчага олиб келиш муаммоси турарди.

Китобда ана шундай мураккаб бир шароитда шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатда дон мустақиллигига эришиш шиори ўртага ташланганлиги, бу йўлда дуч келинган қийинчилик ҳамда муаммолар қандай бартараф этилганлиги муфассал ҳикоя қилинади. Ундан ўрин олган ҳар бир мақола, очерк, публицистика, далиллар ва рақамларда юртимизда ғалла етиштириш салмоғининг йилдан йилга ошиб бориши, ҳосилдорликнинг юксалиш омиллари кенг таҳлил этилади.

Тақдимот

«МУСТАҚИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ»

КИТОБИНИНГ (ТОШКЕНТ, «ЎЗБЕКИСТОН», 2003 ЙИЛ) ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАҚДИМОТ-МУЛОҚОТИ МАМЛАКАТИМИЗ ҒАЛЛАЧИЛИГИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Китобнинг бошидан охиригача давлатимиз раҳбарининг «...Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча» деган ғоясидан сўнг юртимизда ғалла етиштириш маданияти чинакамига такомил йўлига кирганлиги узлуксиз ипдек ўтиб боради.

...Давра суҳбати шаклида ўтган мазкур тақдимот-мулоқотда ана шулар ҳақида гап бориб, унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Республика қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг мустасадди ходимлари, тармоққа дахлдор илмий ишлаб чиқариш институтлари тадқиқотчилари, тегишли вазирликлар ва «Ўздонмаҳсулот» компанияси мутахассислари, шунингдек, «ИКАРДА» халқаро ташкилотининг минтақавий вакиллари, олий ўқув юртлари магистрлари, аспирантлари, университет селекция ва уруғчилик кафедраси талабалари фаол иштирок этдилар. Университет ректори, профессор Ҳ.Бўриев, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири (тўпламни нашрга тайёрловчи) Ўткир Раҳмат, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, профессор Ш.Нурматов, Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Р.Ҳусанов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, селекция ва уруғчилик кафедраси профессори Ғ.Қурбонов, қаттиқ буғдойлар тури бўйича илмий иш олиб бораётган тадқиқотчи аспирант, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси М.Умарова, «ИКАРДА» халқаро ташкилотининг минтақавий раҳбари жаноб Р.Парода, «Туркистон» ахборот агентлиги раҳбари С.Ҳаким ва бошқаларнинг китоб мазмун-мундарижасига оид чиқишлари тақдимот иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Бу ерга ташриф буюрганлар ташкил этилган «Ғалла мустақиллиги» кўргазмаси ва олий-гохда олиб борилаётган ибратли ўқув ишлари самаралари билан танишдилар ҳамда «Мустақил юрт ғалласи» китобидан совғалар олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ФИЛАНГИЗ БАНКИ

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган яккапартиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маъқул ёки номаъқул бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яхши биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юртимизда етмиш йилдан кўпроқ яккаҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўппартиявийлик муҳитида ишламоқда, имкон қадар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз ғояси, ўз дастури атрофида жипслаштиришга интилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйётган қадамлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўппартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олдинга сурадиган ғоялари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда суст кечмоқда. Бундай интилиш ва ҳаракатлар, айтиш мумкинки, умуман сезилмаяпти.

Шуни яна ва яна бир бор афсус билан таъкидлашга мажбурман — ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжудлиги — улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими — бу ҳам табиий ҳол.

Ҳар қандай фаолият кўрсатаётган партия юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби ғояларни ўзининг эзгу мақсади деб олдинга суришига, ишончим комилки, ҳеч ким қарши чиқмайди.

Бошқача айтганда, бугун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга бўлган кўпгина партияларимиз демократик принциплар ва миллий қадриятларимизга асосланган келажагимизни кўришга бел боғлаганини, шу мақсадда олиб бораётган ислоҳотларимизга муносиб ҳисса қўшаётганини ҳеч ким инкор этолмайди ва бу борада уларни албатта қўллаб-қувватлайди.

Лекин табиий бир саволга жавоб топиш қийин бўляпти. Бу эзгу мақсадларга эришишда ким қандай йўлларни, қандай модел ёки программаларни таклиф этмоқда ва уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатмоқда?

Яна битта масала: бу партиялар кимларнинг, қайси ижтимоий табақаларнинг аниқ манфаатларини кўзлайди?

Афсуски, бу саволларга ҳам тайинли жавоб йўқ.

Бугун бизнинг олдимизда турган мақсад битта — озод ва обод, фаровон ҳаёт қуриш, лекин бу мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Нима туфайли, нима эвазига, нималарга суяниб ва таяниб амалга ошириладиган қандай дастур асосида биз бу мақсадларга етамиз? Бу борада биз қандай муаммоларни бартараф этишимиз, қандай марраларни эгаллаб, қандай босқичлардан ўтишимиз даркор? Энг қийин масала мана шу ерда.

Бундай вазиятни сиёсий ёки иқтисодий соҳаларда, ижтимоий, маънавий-маданий йўналишларда, умуман, давлат ва жамиятимизни қуриш, уни идора қилиш ва бошқариш масалаларида кузатишимиз мумкин. Нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги авлодларнинг келажагига ҳам таҳдид солаётган, халқаро майдонда тобора кучайиб бораётган янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимизда қарор топган тинч ва осуда ҳаётни бу балоқазолардан асраш мақсадида нималарга нисбатан эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз, ташқи ва ички сиёсатимизни узоқни кўзлаб, қандай принципларга асосланиб, нималарга ва кимларга таянган ҳолда олиб боришимиз зарур деган саволлар, аввало, сиёсий партияларимизнинг аъзо ва раҳбарларини қийнаши керак эмасми?

Лўнда қилиб айтганда, бугунги вазият бу йўналишларда давлат сиёсатини аниқлаш, якка-ягона тўғри йўлни ишлаб чиқиш ва танлаш масаласида партия ва ҳаракатлардан тинмай бош қотиришни, бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилаётган баҳс ва муҳокамаларда ўз фикри ва позициясини ҳимоялашга қодир бўлишни ва ўз ҳақлигини исботлаб беришни тақозо этади.

Лекин, очиқ айтиш керак, бизда бу борада қандайдир лоқайдлик, хотиржамлик ва бепарволик ҳукм сурмоқда. Худдики, ҳамма оғир ва кескин муаммолар бугун ҳам, эртага ҳам ўз йўли билан ҳал бўладигандек, кимдир уларни ечиб беради, деган кайфиятлар устун бўлмоқда.

Аксарият партияларимиз эса курашиш ўрнига, сен менга тегма, мен сенга деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқада қолмоқда.

Баъзилар, бу катта сиёсат, бунга тажрибамиз ва қурбимиз ҳали етмайди, деб эътироз билдириши мумкин. Бундай қарашлар билан мутлақо келишиб бўлмайди. Нега деганда, сиёсий партия, деб ном олган куч, аввалам­бор, шундай мураккаб сиёсатга ўз ҳиссасини қўшиш учун майдонга чиқади.

Майли, келинг, бундай стратегик, ўта оғир сиёсий муаммоларни ечишдан кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учрайдиган масалаларга ўтайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири — жойлардаги, аввалам­бор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албатта. Бу муаммонинг илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

Аввало, ўйлаб кўрайлик, ишсизлик ўзи нимадан пайдо бўлади?

Бу муаммонинг ижобий ёки салбий томонга ўсиши, биринчи галда, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Айтайлик, иқтисодиёт тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шу ҳисобидан корхоналарга валюта тушса, албатта, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Ва бу нарса нафақат завод ёки хўжалик, балки шу ерда ишлайдиган ҳар бир инсоннинг даромад ва буромадини ташкил қилади. Натижада ишсизлик даражаси пасаяди.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши — бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — шу тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги кун талаб қиладиган касб-ҳунарларни ўрганишни, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришни, мухтасар айтганда, замон билан тенг қадам ташлашни тақозо этади.

Ҳозирги давр шиддати шундайки, озгина оқсоқликка йўл қўйган одам ёки корхона эртага ҳаётдан орқада қолиб кетиши мумкин. Маҳсулот таннархи ҳам, даромад ва буромад ҳам, турмуш даражаси ҳам замон билан ҳамқадам юришимизга чамбарчас боғлиқ. Бу оддий ҳақиқат бўлса ҳам, уни такрор-такрор айтишга тўғри келмоқда. Одамларни иш билан банд қилишнинг яна бир омили шуки, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, тадбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдинга интилиш лозим.

Бу масалада Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимий жонсаракликни, ақлни ишлатишни, тап-тақир жойда ҳам имконият топишни талаб қилади ва улар бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда.

Демак, ишсизлик масаласини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган партия ёки ҳаракат, аввало, муаммонинг мана шундай туб илдизларини чуқур ўрганиши, шу хусусда бош қотириши, жамоатчилик ва халқнинг эътиборини шунга қаратиши лозим. Фақат шунинг эвазига улар етакчи ижтимоий ёки сиёсий куч деб ном олиши, эл-юрт орасида чинакам обрў-эътибор қозониши мумкин.

Мактабларимизнинг аҳволига эътибор берайлик. Бугун бизда 30 фоиз мактаб бинолари ночор ҳолатда. Очиқ тан олишимиз керак — бу муаммони, мактаблар масаласини тўла ечишга жойларда куч-имкониятларимиз етишмаяпти. Бу масалани ҳал этишга партиялар қандай ҳисса қўшмоқда? Мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарур шароит яратиш борасида улар қандай ташаббус билан чиқмоқда? Азалий урф-одатларимизга амал қилиб, маҳалла билан, жамоа билан биргаликда ҳашар уюштириб мактаб муаммоларини ечиш учун қайси партияда қандай амалий ҳаракат ёки интилиш сезилмоқда?

Сир эмас, бугуни кунда кўп мактабларда янги дарсликлар, китоб ва ўқув қўлланмалари етишмайди. Бир қарашда, бу оддий масалага ўхшайди. Лекин ҳаёт мана шундай оддий масалалардан ташкил топади, шуларнинг таъсирида ўтиб боради.

Шу муаммони ечиш борасида, мисол учун, ўзини ёшлар партияси деб атаган Фидокорлар партияси нима иш қиляпти? Бу масалада бирон мактабга бир-иккита компьютер совға қилиш билан иш битадими? Бу муаммони ҳал этиш учун жиддий ўйлаб, аниқ дастур тузиб, енг шимариб узоқ ишлашга тўғри келади.

Ёки кўп жойларда одамларни қийнайдиган масала — ичимлик суви масаласини олайлик. Бу муаммо нафақат олис қишлоқларда, балки кўпчилик туман марказларида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Яқинда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича 2009 йилгача мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинди. Кўпгина ташаббуслар қаторида бу дастурнинг ижроси ҳам Президент ва ҳукумат зиммасида турибди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу масалалар ҳал бўлганидан кейин улар ҳақида гапирадиганлар, биз ундоқ қилдик, бундоқ қилдик, деб кўкрагига урадиганлар кўпаяди, албатта. Халқимиз таъбири билан айтганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганлар топилиши шубҳасиз.

Демоқчиманки, агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин. Менимча, бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қўйидан, оддий инсонлар орасидан бошланиши керак. Ҳар қандай таклиф-ташаббус тадбиркорлик ва ишбилармонлик маҳсули сифатида юзага чиққан тақдирдагина яхши самара бериши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан ҳис этадиган, ўзини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи галда, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта топаман, кўзлаган мақсадимга албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшаши ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлишини истардим.

Бизда бу борада ҳали ишга солинмаган, таъбир жоиз бўлса, теша тегмаган қанча имконият ва бойлик бор. Шуларни кўра биладиган, ўз онгидан ўтказадиган инсоннинг билими, ақлзаковати, ҳаракати ва куч-қудратига ишонган ва суянган ҳолда буни фаровон ҳаётга эришишнинг яккаю ягона тўғри йўли деб ҳисоблайдиган ва шундай ғояларни олға сурадиган сиёсий кучгина ҳақиқий партия бўлиб шакллана олади.

Ҳозир нима бўляпти? Кўпгина партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда, уларнинг айрим раҳбарлари бир поғона ўсдими — дарров доҳийлик касалига йўлиқмоқда.

Улар ўзини қандайдир партиявий фаоллар деб ҳис қила бошлайди. Етакчилик улар учун гўёки касбга айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқнинг ичида улардан ҳам донороқ, эл-юртнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаволаниб кетмайдиган, ўзини кўпчиликдан устун қўймайдиган, камтар ва билимдон одамлар кўп.

Шу ўринда ўзимизга яна бир савол берайлик: бугунги кунда партияларимиз сафида бундай аъзоларнинг сони қанча? Фақат қуруқ гап сотиш, сўз юритиш билан эмас, ўз фаолияти мисолида амалий ишлари билан — тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўладими, фермерлик бўладими — ўзининг манфаатини, шу билан бирга эл-юртнинг ғамини ва ташвишларини ҳисобга олган ҳолда, каттами-кичикми фойда берадиган ишларни узил-кесил ҳал қиладиган, уни қойил қилиб амалга оширишга қодир одамларнинг сони қанча? Ва партияларнинг бу одамларга таъсири қандай?

Барака топкурлар, айтинглар, нега деҳқон-фермерлар, тадбиркорлар ва ишнинг негизини биладиган кишилар, улар қайси соҳа ва йўналишда меҳнат қилишидан қатъи назар, партияларнинг эътиборидан четда қолиб кетяпти? Бу тоифа ва қатламларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари партиялар томонидан қай даражада ифода этиляпти, керак бўлса, ҳимоя қилинаяпти?

Ўйлайманки, бу саволларга жавоб топиш ва бундай масалаларни ечиш вақти келди. Буни ҳадал суръатда ривожланаётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу вазифалардан келиб чиққан ва уларни инобатга олган ҳолда, янги тузилаётган партиянинг сиёсий қиёфаси, мақсад-дастурини, керак бўлса, тарихимизда тутадиган ўрни ва мавқеини белгилаб, аниқлаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бугун мамлакатимиз, халқимиз танлаган пировард мақсадларга етиш йўлида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар билан бир қаторда, ҳаётимизда мавжуд бўлган ғов-тўсиқлар, ечилмаётган муаммо ва нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг илдиз ва томирларини аниқлаш асосида керакли хулосалар чиқариш, шу аснода мухтасар фикр юритишимиз айни муддао бўлур эди. Такрор айтмоқчиман: Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни ҳеч ким инкор этолмайди ва бунга ҳаққи ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, не-не офат ва тўфонларни, синовларни бошидан кечириб, қанча-қанча қурбонлар эвазига қўлга киритган озод ва эркин ҳаётни, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, амалда адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин иқтисодиёт қуриш имконига эга бўлганимизни, халқаро майдонда Ўзбекистон деб аталмиш келажаги буюк давлатни барпо этишга муяссар бўлганимизни минг йиллик тарихимизда Оллоҳнинг ўзи берган улуғ неъмат, деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълум — ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мана шунинг учун ҳам барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки бугун юртимизнинг тараққиётига ғов бўлаётган, унга зарар етказаётган муаммоларимизни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга бутун куч-ғайратимизни жалб қилишимиз шарт.

Айнан шу аснода, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур қилган ҳолда, эртанги кунимизни яхшилаш мақсадида замон талаб қилаётган ислоҳот дастурларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эришишда, ўйлайманки, 2000 йилда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган ва кейинчалик, тўққизинчи сессияда янада ривожлантирилган давлат ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларини либераллаштириш миллий дастуримизнинг ўрни ва моҳиятини биронбир нарса билан ўлчаш қийин.

Шу дастурни сўзсиз амалга ошириш, уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий қилиш, керак бўлса, унинг аҳамияти ва моҳиятини кенг оммага сингдириш масаласини бугунги кунда энг асосий, долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, шуни ўзимизга аниқлаб, чуқур англаб олишимиз зарурки, ва буни ҳеч ким инкор этолмайди, ҳар қандай тараққиёт, олдинга юриш — бу илму фан бўладими, иқтисодиёт, маънавий янгиланиш бўладими — уларнинг барчасини замирида, биринчи навбатда, инсоннинг ақл-заковати, ҳаракати, қучқудрати туради. Бу ҳақиқат, ҳар қандай сиёсий давлат тизимидан қатъи назар, ягона ҳақиқат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, инсоннинг, керак бўлса, омма ва халқнинг бундай аломат ва салоҳияти аввалам­бор, эркинлик шароитида намоён бўлади. Бунинг негизида қандай тушунча ва ғоя бор?

Мисол тариқасида иқтисодиёт соҳасини олайлик. Бу соҳа ривожини ўз зиммасига олган оддий ишчи ёки раҳбар бўладими, уларга эркинлик бермасдан, таъбир жоиз бўлса, оёқ-қўлини, онги ва тафаккурини кишанлардан озод қилмасдан туриб, инсоннинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини ишга солмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бу ҳақиқатни исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарадиган, уларга ривож ва қанот берадиган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган куч бу — аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир.

Шу фикрни ривожлантириб айтмоқчиманки, кишилик тарихида ўзининг буюк имкониятларини доимо кўрсатиб келган ва бугуни замонда яна қайтадан машҳур бўлган куч — бу иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг замини, пойдевори бўлмиш эркин тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатидир.

Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, аввалам­бор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, ҳар томонлама асосланган шундай бир хулоса чиқариш мумкин.

Яъни, бугун жамиятимизнинг аввало иқтисодий ҳаётида тобора кенгайиб, кучга тўлиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес, фермерлар ҳаракати эл-юрт тараққиётини, мамлакатимизнинг ҳал қилувчи соҳалари ва йўналишларида олиб борилаётган ислоҳотларни кескин суръатлар билан ривожланишини, олдимизда тўсиқ бўлиб турган барча ғов ва нуқсонларни бартараф қилиш масъулиятини ўз зиммасига олиши учун — уларга сиёсий майдонни очиб бериш жамиятимиз ҳаётининг кун тартибига долзарб масала бўлиб кирмоқда.

Шунинг учун ҳам янги партия тузиш ҳақида гап юритар эканмиз, ўз ҳаётининг маъносини ҳам, юрт ва жамият келажаги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ҳам тадбиркорлик ривожи ва самараси билан боғлаб келган одамларни унинг сафларига бирлаштирсак, ўйлайманки, айни муддао бўлар эди.

Бу ҳаракатнинг асосий ғоялари, мақсад ва вазифаларини сиёсий тил билан ифода этадиган бўлсак, бу ғояларни ўзида мужассам этган партия, ўз моҳият-эътиборига кўра, том маънода айни либерал-демократик партия платформасига тўғри келади.

Айниқса, бу борада юқорида тилга олинган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган либераллаштириш, ўзбекона қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дастури муҳим дастак бўлиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий ўзаги ва гарови — бу эркинлаштириш сиёсатидир.

Шу маънода, менинг сизларга берадиган тавсиям, бугун тузиш масаласи ўртага қўйилаётган янги партияни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партия, деб аташ ўринли бўлур эди.

Бу икки тушунча ўзининг маъно-мазмуни, устун қўядиган ғоя ва мақсадлари бўйича бир-бири билан шундай чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажралган ҳолда кўриш, ўйлайманки, ғайритабиий ва ғайримантиқий ҳол бўлар эди.

Шунинг учун ҳам янги тузилаётган сиёсий куч ва ҳаракатга айнан шундай ном беришга ҳар томонлама асос бор.

Энди, шу фурсатдан фойдаланиб, сиёсий куч тариқасида вужудга келаётган партиянинг қурилиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим ҳолатларга эътиборингизни жалб қилишни ўринли деб биламан.

Нафақат янги тузилаётган партиянинг, умуман, ўзини сиёсий ва ижтимоий куч деб эълон қилган ҳар қандай партия фаолиятида пайдо бўладиган энг катта муаммо — шу партиянинг ўз олдига қўйган, унинг сафларини бирлаштирувчи ғояни кенг оммага етказиш ва амалда исботлаб бериш, аввало, шу ғоя ва дастурни барча партия аъзоларининг онги ва тафаккурига сингдиришдан иборат, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яъни, лўнда қилиб айтганда, бу партия нима учун, қандай ғояларни амалга ошириш учун майдонга чиқмоқда. Ва шу ғоялар нақадар адолатли экани, унинг халқ орзу-умидлари ва замон талабларига нечоғлиқ жавоб бера олишини жамоатчиликка тушунтириб, исботлаб беришдир.

Шу борада яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Тузилаётган партия ўз аъзолари, аввалам­бор, унинг асосчи ва етакчи фаолларидан ҳаётимизда кўп учрайдиган хавфли касаллик — амалпарастлик, манманлик, ўзига бино қўйиш ва ўзига ортиқча баҳо беришдан холи бўлишни талаб қилади.

Янги ташкил этилаётган партия фаолиятида ўзининг шахсий манфаати ва интилишларини, бошқача айтганда, ўз амбициясини жамият ва халқ манфаатларидан устун қўйишга асло йўл бермаслик лозим.

Шуни яхши ва чуқур англаб олишимиз керакки, қаерда мана шу касалликнинг хуружи кучайса, шу ерда, аниқ айтиш мумкин, соғлом муҳит йўқолади, мансаб талашиш ва доҳийликка уринишлар авжига чиқади. Охир-оқибатда бу партия сиёсий майдонда пайдо бўлмасдан туриб инқирозга дучор бўлади.

Бу гапни яна давом эттириш, бу масалани яна чуқурроқ тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Лекин бу огоҳлантириш бугун мана шу партияни ташкил қилаётган, унга аъзо бўлиб кирадиган одамларнинг қулоғида доимо жаранглаб туришини истардим.

Яна бир олдиндан ўзимизга тасаввур қилишга лойиқ масала: агарки, кимда-ким ўзининг шахсий манфаатига доир муаммоларни янги тузилаётган партия орқали ҳал қилиш, ечиш учун партияга кирмоқчи бўлса — қаттиқ янглишади.

Яна бир ҳақиқатни очиқ айтишга тўғри келади.

Сизларга яхши маълум бўлиши керак ва ўзингиз амалий ҳаётда бунинг кўп гувоҳи бўласиз: тадбиркорлар зоти — буниям сир тутиш керак эмас — ҳаммага ҳам ёқмайди.

Ҳали-бери жамиятимизда бу тоифа ва шу ишга бел боғлаган одамларга нисбатан эски замондан қолган қандайдир шубҳа билан қараш, уларни кимнидир алдаш, ҳақидан уриб қолиш ҳисобидан даромад топадиган кимсалар қаторига қўшиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Лекин бугунги кунда бундай қарашларнинг камайиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳаётимизда уларнинг аста-секин йўқолиши, ислоҳотларнинг чуқурлашуви, демократик ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг жамиятимиздан янада кенгроқ ўрин олиши туфайли ўз-ўзидан барҳам топиши муқаррар.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бундай салбий қарашларнинг ҳаётимиздан йўқолиши учун аввалам­бор тадбиркорларнинг ўзи кўпроқ ҳаракат қилиши ва ўзининг шахсий мисоллари билан бундай шубҳа-гумонлар ўринсиз эканини исботлаб бериши даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, кеча эҳтимол, бундай партия тузиш учун етарли даражада шароит бўлмагандир.

Аммо, агарки, бугун ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган янгиланиш ҳаракатларини, дунёдаги тараққий топган давлатлар мисолида эркинлаштириш ва демократлаштириш ҳисобидан эришаётган марраларни инобатга олган ҳолда, барчамизга аён бўлиши зарурки, либерал-демократик ғояларни, платформасини олдинга сурган ҳолда одамларимизнинг турмуш даражасини ўстириш, йўлимиздаги ғов-тўсиқларни олиб ташлаш, Ватанимизнинг тараққиётини жадал суръатлар билан ривожлантириш вақти келди. Ва шу ғоялар ва мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонимизнинг сиёсий майдонида янги партиянинг пайдо бўлиши айни муддао.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мен, янги ташкил этилаётган партиянинг мақсад ва ғоялари тариқасида, қуйидаги принципиал масалаларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи мақсад. Ўзбекистоннинг тараққиётини, унинг оғир-енгилини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугун сиёсий куч сифатида бирлашаётган, мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар тоифаси ҳақлидир.

Бу ҳаракатнинг асосий мақсади — сиёсий кучга айланиб, тадбиркорларнинг йўлини янада очиб, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

Иккинчи мақсад. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, унинг стратегик истиқболлари дастурини Конституция принципларига суяниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун партиянинг куч-имкониятларини сафарбар этиш.

Ўзбекистон танлаган очиқ демократик, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш.

Бир сўз билан айтганда, ривож топган бутун демократик халқаро ҳамжамият билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш мақсади янги тузилаётган партиянинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланиши даркор.

Учинчи мақсад. Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўйини оширишда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, асраб-авайлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш.

Халқимиз, аввало, ёшларимизни миллий ғоя, юрагида ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақиллик йўлимизни, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

Тўртинчи мақсад. Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш.

Шу ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш учун фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод этиб тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозониб, ўз депутатлари зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларида вакиллик вазифасини юклаш ва уларни бошқариш.

Содда қилиб айтганда, бу янги партия, бу ҳаракат тадбиркорларга, ишнинг негизини биладиган фаоллар ва фидойиларга суяниб-таяниб, уларни бирлаштириб, ўз олдига қўйган мақсад-марраларга эришиши даркор. Нега деганда, тарихда ҳам, бугуни кунда ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонлар зоти бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келмоқда.

Амир Темур бобомизнинг, «ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деб берган насиҳатларида жуда катта маъно бор.

Ўйлайманки, янги тузилаётган бу партия сиёсий ҳаётимизда мавжуд бўлган ана шу бўшлиқни тўлдиради ва Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган мақсадга етишиш учун ўз муносиб ҳиссасини қўшади.

Барчангизга шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида куч-қувват ва омадлар тилайман.

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ

● **ХДП Наманган шаҳар кенгаши** Агроиқтисодиёт коллежи билан ҳамкорликда тадбир ўтказди. Унга кўплаб фахрий ўқитувчи ва мураббийлар, партия фаоллари йиғилдилар. ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева устозларни касб байрами билан табриклади ва коллежнинг бир қатор мураббийларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди.

● Ўқитувчи ва мураббийлар байрами **Тўрткўл туманида** ҳам кенг нишонланди. Юздан ортиқ фаол ўқитувчи «Ором» ресторанига таклиф қилиндилар. Туман ҳокими А.Ибрагимов бир гуруҳ устозларга эсдалик совғаларини тақдим этди. Шунингдек, ХДП аъзоси, 45-мактаб директори З.Матниёзовга «Халқ маорифи аълочиси» унвони ҳамда қатор устозларга туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Тадбирга ХДПдан халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашига сайланган депутат Қ.Матёқубов ҳомийлик қилди.

● **Қоракўл туманидаги** Ҳ.Олимжон номли 19-мактабда ҳам шу муносабат билан тадбир ўтказилди. Унда ХДП туман кенгаши етакчиси Ф.Бебутов устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами билан табриклади ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти ҳақида гапириб берди.

● **Партия С.Раҳимов ва Сирғали туман кенгашлари** ҳамкорликда «Устозларга таъзим», деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказдилар. Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрида бўлиб ўтган тадбирда 500 дан ортиқ партия аъзолари, фахрийлар иштирок этдилар. Бир қатор ўқитувчилар партия кенгашларининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

● **ХДП Бухоро шаҳар ташкилоти** партиямиз аъзолари бўлган 30 нафардан зиёд ўқитувчини «бир пиёла чой устида» суҳбатга таклиф қилди ва байрам билан табриклаб, уларга совғалар тақдим қилди.

● Байрам муносабати билан **Косонсой туман партия кенгаши** «Зиёлилар» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида тадбир ўтказди. Унда қатнашган фаол ёшлар ўз билимларини намойиш этиб, ташаббускорларнинг эсдалик совғаларига сазовор бўлдилар.

● Шунингдек, **ХДП Шофиркон туман кенгаши** 5-мактабгача таълим муассасасида «Болалар — бахтли келажагимиз» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

● ЎзХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Тоҳир Бахронов **Пешку тумани** Жингелди қўрғонидаги 24-сон ва Газли шаҳарчасидаги 35-сон мактабларда бўлиб, сайловчилар билан учрашди. Депутат аҳоли вакилларига парламент XII сессияси якунлари, унда қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ҳақида гапириб берди. Шунингдек, фуқароларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти билан қизиқди, бу борадаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашди. Суҳбат якунида депутат иккала мактабга ҳам биттадан компьютер совға қилди.

● ХДП фаоли — **Тўрткўл туман** Кенгаши депутати У.Машарипов хайрли ишга қўл урди. Депутат тумандаги 1-мактаб ўқувчилари учун теннис корти қурилишига ҳомийлик қилмоқда. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

● **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашида** шаҳар ва туман партия ташкилотлари биринчи котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор партия МК томонидан Бухорода ўтказилган ўқув семинарида белгиланган вазифалар ва бошқа қатор масалаларга қаратилди. Булар ҳақида йиғилишда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж.Нуруллаев алоҳида тўхталди.

● **Қоракўл туманидаги** Е.Сафаров номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти навбатдаги йиғилишини ўтказди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби Ф.Бебутов Олий Мажлис XII сессияси хужжатларини аҳоли ўртасида ўрганиш масалалари юзасидан чиқиш қилди. Шунингдек, БПТ етакчиси Х.Тангриев ва партия фаоллари сўзга чиқдилар. Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида аниқ режалар ишлаб чиқилди.

● **Чирокчи туман партия кенгаши** халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 46-Чиял сайлов округи негизида партия гуруҳлари фаоллигини оширишга қаратилган йиғилиш ўтказди. Унда иштирок этган ҳудудий партия гуруҳлари раҳбарлари ва фаоллар бу борадаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашдилар. Шулар асосида амалга оширилиши лозим бўлган режалар, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

● **Партия Учқўрғон туман кенгашида** ўтган йиғилишда туманда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда партия ташкилотининг иштироки, 2004 йил учун партия марказий нашрларига обунани ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

● **ХДП Қоракўл туман кенгаши** туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашга бағишлаб тадбир ўтказди. Унда қатор партия фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари ва мутахассислар иштирок этиб, ёшлар бу йўлга кириб қолишининг олдини олиш, бу борадаги вазифаларга тўғрисида гапирдилар.

ҒУЛОМ МАДАМИНОВ ҚАШФИЁТИ

ЁХУД «ҒМ АЛ-ИКСИР ТАРЁҒИ»НИНГ ҲАЁТБАХШ ТАЪСИРИ

(илмий очерк)

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (директори Ж.Собиров) клиникасидан берилган хулосаларга кўра, «ҒМ Ал-иксир тарёғи» сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор препаратдир. Институт клиникасида юқумли сариқ касаллиги билан оғриган турли ёшдаги 43 нафар беморда шу дори воситалари қўлланилди ва ижобий самаралар берди.

— Дори юзасидан ўтказилаётган клиник синовларга раҳбарлик қилаётиб, шу нарсани кузатдимки, «ҒМ Ал-иксир тарёғи» препаратини қабул қилган беморлар танасида сафро диманиши (яъни, тана терисининг сарғайиши, ўнг қовурға тагидаги оғриқ ёки оғирлик ҳолатлари)нинг йўқолиши даволанаётган бошқа беморларникига нисбатан жадалроқ давом этарди, — дейди Тошкент педиатрия институтининг инфекцион касалликлар кафедраси мудири, профессор Илҳом Қосимов.

Клиник фармаколог, профессор Искандар Мавлонов эса шундай дейди:

— Ғулом Мадаминовнинг изланишлари ҳақида эшитганимда айримлар сингари мен ҳам дастлаб «Наҳот шу биргина дори инсон танасидаги кўплаб касалликларга даво бўлса?!» деган хаёлга боргандим. Аммо, Фармакология қўмитаси аъзоси сифатида шу препаратга оид далиллар билан танишганимдан сўнг ҳеч бир шубҳага ўрин қолмади. Чунки учта йирик клиникадаги синовлар жараёнида бу дорининг одам танасига умуман зарар етказмаслиги аён бўлиб, сафро ҳайдовчи ва жигар функционал фаоллигига ижобий таъсир этувчи хусусиятлари аниқланди. Синовларга бош-қош бўлган олимларнинг фикрига қараганда, «ҒМ Ал-иксир тарёғи» таркибига кирадиган турли касалликлар, айниқса, ўткир вирусли гепатитни вужудга келтирувчи зарарли микроорганизмларнигина танлаб қирувчи, яъни антибиотик, биологик фаол моддалар жигар ҳужайраларига ижобий таъсир кўрсатади. Шу баробарида универсал ва кенг йўналишда даволай олиш кучига эга. Қачонлардир дори воситаларини чет элларга экспорт қилиш имконияти ҳам юзага келади, деб ишонч билан айта оламиз.

Ишонч — ёруғ туйғу. Ишонч — узоқ йиллик заҳматли меҳнат самарасидан қониқиш туйғуси! Ҳаёт ҳаловатларини бой берган, вужудни қийноққа солиб, бедорликка руҳни камол топтирган кишининг юрагида шундай туйғу барқарор бўлади. Донишмандлардан бири «Доимий роҳатда бўлганинг — демак ҳеч қачон роҳатланмаганингдир!» деганида ҳақ эди. Аслида, изланувчан одамнинг ҳаловатсиз кечган

1

умри ортида энг тотли ҳаловатлар яширин. Бу — дунёга, ҳаётга, одамларга меҳр-муҳаббат... Шу нурафшон туйғулар мустаҳкам риштага айланиб, Ғулом Мадаминовни беморларга қаттиқ боғлаб тургандир, балки. Хастаҳол кишиларнинг шифо топгандан кейинги нигоҳлари эса ўз халоскорига илгари бой берилган ҳаловатли лаҳзаларини қайтариб бераётган бўлса, ажабмас...

Муолажа олаётган беморлар билан суҳбатлашдик.

Қашқадарёлик 71 ёшли бемор А.Муродов:

— Дўхтирлар менинг касаллик варақамга йигирмадан ортиқ хасталик номини қайд этишган. Мана, ўн тўрт кундирки, дори кучини танамда синаб кўраяпман. Ҳозирги дақиқаларда ўзимни йигитлик пайтларимдагидек соғлом ҳис қилаяпман, десам балки ишонмассиз...

Самарқандлик бемор Г.Қодирова:

— Бош мия ўсмаси туфайли кўп азоб тортиб, ахийри Москвадаги шифохоналарга даво истаб боришга мажбур бўлдим. «Операциясиз тузалмайсан» дейишганди. Бир йилдан буён шу ерда даволанаяпман. Дориларнинг шифобахш таъсиридан сўнг ўлим хавфи чекинди. Бошим айланиши йўқолиб, қувватга кирдим. Ҳатто кўзим ожизланиб қолганди, эндиликда ёруғликни сезаяпман!

— Бу дорилар йигирма кун давомида қабул қилингандан кейиноқ тезда ўзининг кучини кўрсатади, — дейди даволовчи ҳамшира Матлуба Султонова. — Агар бошда йиринг ва чирк бўлса, дори уни қулоқ орқали, дард қонли бўлса бурун орқали, сувли бўлса кўз орқали, балғамли бўлса томоқ орқали «чиқариб» юборади. Ички аъзоларда зарарли моддалар тўпланиб қолган ҳолларда дори енгил қорин оғриғини қўзғаб ични суради. Қарабсизки, беморни қийнаётган иллатлар даф бўлади. Дорининг кўриниши қизғиш рангда, таъми ширин, бу суюқликнинг қайси ҳасталикка қанча миқдорда қабул қилинишини табибнинг ўзи белгилайди.

Бугунги кунда ёш олимлар «G'ulom Madaminbek» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда иш юритишмоқда. Ўзаро ҳамфикрлик жараёнида тўпланган бой тажрибалар беморларнинг буткул соғайиши йўлида сарфланиб, уларнинг руҳан ва жисмонан ўз-ўзини англашига, эртанги кунга ишонч ҳисси билан қарашига хизмат қилаяпти, десак янглишмаган бўламиз.

Фармаколог, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабибулла Пўлатов шундай дейди:

— Мураккаб таркибга эга бўлган ушбу дори воситаларининг шифобахшлик хусусиятини ҳар томонлама ўрганиб, чуқур анализ қилиш эндиликда кўпчилик доришунос олимларни ҳам қизиқтириб қўйди. Бугунги кунда республикамизнинг бир нечта илмий текшириш институтлари (Иммунология, Педиатрия, Пульмонология ва физиатрия, Гастроэнтреология, Онкология ва радиология)да, ТошДавТИ Марказий Илмий текшириш лабораторияларида, Илмий марказларда ва Тошкент фармацевтика институти кафедра ҳамда лабораторияларида тажриба сифатида бу дорининг организмдаги патологик жараёнида ётувчи механизмлар (яъни патофизиологик, патокимёвий, метаболик, клиник патологик, иммун тизими, нафас олиш, юрак қон-томир ва қон айланиш тизими, меъда ичак, асаб тизими, тери-таносил, ўпка сили, саратон ва шунга ўхшаш оғир хасталиклар)га таъсир даражаси атрофлича ўрганилмоқда. Яна шуни айтишим керакки, Ғулом Мадаминов томонидан яратилган дори воситалари эндиликда хорижлик доришунос олимларнинг ҳам эътиборини тортаётир.

Бу рост. Шу йилнинг 10-12 сентябрь кунларида Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган («Гастро-2003») «5-Славян-Батика халқаро илмий форуми»га Ғулом Мадаминов ҳам таклиф қилинди. Форум қатнашчиси сифатида унга махсус сертификат тақдим этилди. Шу улкан анжуманнинг ўзидаёқ кўплаб олимлар Ғулом Мадаминов билан илмий-ижодий ҳамкорлик юритиш истагини билдирдилар.

Айтиш жоизки, ҒМ туркумидаги янги дориворларнинг қишлоқ хўжалигини равнақ топтиришда ҳам кенг қўлланиши мўлжалланган. Бу дорилар тупроқни танқис модда билан таъминлаш (регенерация), тупроқ таркибида тўпланган

2

ортиқча ва кераксиз моддаларни ислоҳ қилиш (дегенерация), сув, ҳаво, ҳарорат алмашиниб туришини яхшилаб, тупроқ унумдорлигини ошириш хусусиятларига эга.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги айрим муаммолар ечимини табиий жараёнлар кучи билан ижобий ҳал этиб, ўз мақсадим сари анча илгарилаб бораётгандайман, — дейди Ғулом Мадаминов. — Мен кўп йиллар давомида унумсиз (ўлик) тупроқ таркибидаги шўрланиш ва бошқа салбий ҳолатларни йўқотиб, унинг унумдорлигини оширадиган, ерга қадалган ўсимликлар уруғи унувчанлигини тезлаштирадиган, ичишга яроқсиз сувлар зарарини камайтириб, уларнинг шифобахшлигини кучайтирадиган, умуман табиий қувватларни қайта тиклайдиган универсал биостимуляторлар туркумини яратдимки, буларнинг бариси бизни боқиб турган шу замин бағридаги бир қатор кемтикларни тўлдиришда деҳқонларга ёрдам беради деб ишонаман. Ҳар бир маълумотни пухта асосланган ҳолда эгаларига етказиш умидида шу соҳадаги изланишларни бир дақиқага ҳам тўхтатганим йўқ...

«Оққан дарё оқаверади» дейдилар. Бундай дарёлар минглаб, миллионлаб илдизларга сув етказиб беради, нажот бахш этади, илдизлар яшовчанлигини оширади. Илдизлар бақувват экан, ҳаёт ҳам бардавомдир. Мен фидойи ва заҳматкаш инсонларни оқар дарёга ўхшатгим келади. Негаки, уларнинг ҳар куни, ҳар соати шижоатга тўла. Эзгулик йўлидаги машаққату тўсиқлар ҳам уларни ҳаракатдан тўхтатолмайди. Шу ўринда Ғулом Мадаминовнинг фаолиятини қаламга олаётиб, бироз истиҳолага ҳам бордим, очиғи...

Нозиктаъб газетхон бу мақолани ўқиб, «Табибнинг даволаш ишлари овоза қилинибди» деган хаёлга бормасмикин? Менимча, бундай бўлмайди. Ахир истиқлол бизга улкан кашфиётлар учун йўл очди, имкон берди, журъат билан ишга киришмоққа ундади. Демак, қаҳрамонимиз ана шу имконлардан оқилона фойдаланди, билим ва тажрибаларини ишга солди, озод юрт кишисининг нималарга қодир эканлигини амалда исботлади! Мен бугунги давр тараққиёти учун тинимсиз изланаётганлар, Президентимиз таъбири билан айтганда «элим деб, юртим деб ёниб яшаётган»лар сафи яна бир кишига кўпайганини муҳтарам ўқувчи олдида очиқ-ойдин эътироф этмоқчиман, холос.

Назаримда, Ғулом Мадаминов кашфиёти ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, «Икки дунё саодатига эришмоқ истасанг, илм изла!» деган қадимий ҳикматни яна бир карра ёдимизга солиб қўяди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз газетхон! Сиз ушбу мақолани ўқиб, кўп йиллик изланишлар натижасидан огоҳ бўлдингиз. Сизни яна бир савол қизиқтириши табиий. Хўш, Ғулом Мадаминовнинг айни шу кунлардаги изланишлари қандай самаралар бермоқда? Табиатдаги экологик бузилишларнинг олдини олишга ҳисса қўшиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари мутасадди идоралар томонидан қўллаб-қувватланаяптими?

Бизнингча, бу саъй-ҳаракатларни ягона бир тизимга жамлаб, махсус Дастур белгилаш ва амалиётда бирма-бир қўллаш керакка ўхшайди. Бунинг учун халқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган йирик олимларимиз эътиборини шу ишга жалб этиш, уларнинг кўмаги ва маслаҳатига таяниш лозим бўлади, албатта. Ҳар ҳолда кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган янгилик халққа, жамиятга фойда келтиради! Биз Ғулом Мадаминовнинг янги изланишлари хусусида кейинроқ тўхталиш ниятидамиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, 700180 Юнусобод тумани 15-мавзе, 28-уй, 2-хонадон. «Ғулом Мадаминбек» хусусий корхонаси. Телефонлар: (8-371-2) 22-52-46, 22-52-47.

3

ЭНДИ ЧЕГАРАНИ ҚЎРИҚЛАШМАЙДИ

Бундан 12 йил аввал БМТ тинчлик кучлари Ироқ-Қувайт чегарасида патруллик хизматини бошлаган эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Негаки, Ироқ ўз қўшниси Қувайтга энди таҳдид қилмайди. Шунинг учун БМТ ўз тинчлик кучларининг патруллик ваколати тугаганлигини маълум қилди. Бироқ тинчлик кучларининг Қувайтдаги штаб-квартираси октябрь охиригача ишлаб туради.



2020 ЙИЛДАН ЭЪТИБОРАН

Индонезиянинг Бали оролида Жануби-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)нинг саммити бўлиб ўтди. Унда ассоциацияга аъзо мамлакатлар — Бруней, Вьетнам, Индонезия, Лаос, Камбоджа, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ҳамда Филиппиннинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этиб, улар АСЕАН учун муҳим ҳужжат, яъни 2020 йилга бориб АСЕАНда тўлиқ эркин савдо ҳудудини яратиш ҳақида битим имзоладилар.

АСЕАННинг бош котиби Онг Кенп Йонгнинг Reuters ахборот агентлигига маълум қилишича, 2020 йилда бу ҳудуд 2 миллиарддан ортиқ одамни ўзига бирлаштиради ва ишлаб чиқарилган умумий ялпи ички маҳсулот ҳажми 3 миллиард доллардан ортади.

Бош котиб шуни ишонч билан айтдики, 2010 йилга бориб мазкур ҳудудга Хитой, 2011 йилда эса Ҳиндистон, 2012 йилда Япония аъзо бўлиб кириши мумкин. Бунгача АСЕАНга аъзо давлатлар ўртасидаги тарифга оид тўсиқлар ва бошқа чекловлар бекор қилиниши лозим.

Лекин шу ўринда ачинарли бир жиҳатни айтиб ўтиш даркор. Сингапур бош вазири Го Чок Тонгнинг айтишича, АСЕАН доим юқоридагидек ҳужжатларни ишлаб чиқади, қарорлар қабул қилади, бироқ амалга бирортаси жорий этилмайди.

Кўриниб турибдики, эркин савдо ҳудуди ташкил этилишига шубҳа билан қаровчилар йўқ эмас. Аммо имзоланган мазкур битимнинг нечоғли амалга ошиш-ошмаслигини вақт кўрсатади.

ОВОЗГА ҚЎЙИЛМАДИ

Сурия томонидан таклиф этилган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйилмади. Мазкур ҳужжатда Исроилнинг Сурия ҳудудидаги авиабомбардимони сабаблари ва оқибатларини муҳокама этиш масаласи таклиф этилган эди.

АҚШнинг БМТдаги вакили Жон Негропонте журналистларга шуни маълум қилдики, резолюция бўйича ҳеч қандай қарор қабул қилинмади. «Резолюция лойиҳаси ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилмаган, унда камчиликлар бор» деди у ва шанба куни 19 кишининг умрига зомин бўлган Хайф (Исроил)даги портлаш ҳақида ҳужжатда ҳеч нарса дейилмаганидан Вашингтон ташвишга тушганини билдирди. Ўша портлаш учун жавобгарликни «Ислом жиҳоди» гуруҳи бўйнига олган эди.

Эслатиб ўтамиз: шанбадан якшанбага ўтар кечаси Исроил ҳарбий самолётлари Сурия ҳудудини бомбардимон қилган. Исроил ҳукумати айни шу бомбардимон қилинган ҳудудда террорчилар тайёрланадиган лагер бор, деб ҳисобламоқда. Сурия эса буни инкор этиб, бу ерда қочоқлар лагери жойлашган дея уқтирмоқда.

CNN телекомпанияси Исроил ҳукумати Сурия ҳудудида яна шундай ҳарбий операция ўтказилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Исроил ҳукуматининг матбуот котиби Ранаан Гиссиннинг айтишича, якшанба кунги бомбардимон Эрон ва Сурининг Фаластин раҳбарияти билан алоқасини узиш мақсадида амалга оширилган.

Сурия ҳудудида яна шундай ҳарбий операция ўтказилиши мумкинми, деган саволга Гиссин «балки — ҳа, балки — йўқ» деб жавоб берди.

КЕЛГУСИ ЙИЛДАН КИРИШМОҚЧИ

Бразилия келгуси йилдан уранни бойитиш бўйича иш олиб боришини маълум қилди. Ўн йилдан сўнг эса бойитилган уран экспортга чиқарилади.

Бразилиянинг бу қадами мамлакатда ядро қуроли ишлаб чиқаришга ҳам техник жиҳатдан имконият беради. Бироқ фан ва технология вазири Роберто Амаралнинг айтишича, мазкур дастур фақат мамлакатнинг электр энергияга бўлган талабини қондиришга қаратилган.

Маълумки, Бразилия бу борадаги эҳтиёжини асосан гидроэлектрстанциялар ҳисобига қондиради.

Уранни бойитиш борасидаги дастур-режа мамлакат Президенти Луис Инасио Лула да Силва томонидан ҳам маъқулланган.

Эслатиб ўтамиз: Бразилия бу борадаги имкониятини ишга солиш ҳақида биринчи марта ўтган асрнинг 80-йилларида маълум қилган эди. Бироқ ўша пайтда режа амалга ошмади.

Бугунги кунда мамлакатдаги АЭСда фойдаланилаётган бойитилган уран Европадан келтирилмоқда, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Нью-Йорк соҳилларида

«ЎКТАМБАНК» ЎКТАМ ЧИҚДИ

Кейинги пайтда ҳар нарсани қаричлаб ўлчаш расмдан қолди. Ўрнига «рейтинг» — ўктамлигини белгилаш мезонлари жорий этилмоқда. Шартлари ҳам осон эмас. «Ахбор рейтинг» компаниясининг банклар ўртасидаги энг яхшиларини танлаши ҳам худди шундай талаблар асосида ўтди. Бунда ярим йиллик якунларга кўра, Қаршидаги хусусий акциядорлик-тижорат «Ўктамбанк» мамлакат кичик банклари ўртасида биринчи ўринга кўтарилгани эътироф этилди.

Беш йил бурун ташкил топган банкнинг мижозлари айни пайтда 961 тага етди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойида ажратилган 861,1 миллион сўм маблағ эвазига 155 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, 300 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Банкда омонат сақлайдиган мижозлар ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳозир ҳар хил жамғармалар учун 130 миллион сўм омонат маблағ қўйилган. Унинг Миришкор, Косон туманлари, Қарши ва Бешкент шаҳарларида минибанклари ташкил топган. Келгусида бундай кичик тузилмалар бошқа туманларда ҳам очилади. Банк келгусида йирик лойиҳаларни юзага чиқаришни мўлжалламоқда.

Юнус УЗОҚОВ

ЎН КУН КИФОЯ БЎЛДИ

Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалигининг пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар.

Пахта йиғим-теримини туманда эмас, балки вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб бошлаган мазкур хўжаликнинг Мўмин Юсупов ва Боймуҳаммад Бойматовлар бошлиқ пудратчиларга йиллик шартномавий режани бажариш учун атиги ўн кун кифоя қилди. Миришкор пахтакорлар ҳосилдорликни гектар ҳисобига 20-30 центнерга етказдилар.

— Ҳали далаларимизда ҳосил мўл, — дейди бош пудратчи Мўмин Юсупов. — Иккинчи терим пахтасини йиғиштириб олсак, ҳосилдорлик 35-37 центнерга етади. Давлат қабул пунктларига 280 тоннадан зиёд сара уруғлик пахта етказиб берамиз.

Орзиқул МАЪМУРОВ

ҚОРАЎЗАКЛИКЛАР ЮТУҒИ

Мамлакатимизнинг энг шимолида жойлашган туманларда ҳар йилдагидан кўп шоли ҳосили етиштирилди. Чунки бу йил сув кўп бўлди. Экиш-тикиш ишлари агротехника қоидалари асосида ўз вақтида ўтказилди. Ҳар туп шоли ниҳоли асраб-авайлаб парвариш қилинди, ёввойи ўтларга бостирилмай, ўз вақтида озиқлантирилди, белгиланган муддатларда сувлари алмаштирилди. Ана шундай тадбирлар ютуқлар сари чорлади» Жумладан, Қораўзак тумани шоликорлари 6 минг 600 гектар майдонда 19 минг 998 тонна шоли етиштириб, шундан 8 минг 580 тоннасини давлатга топширдилар ва шартнома режасини ошириб бажардилар. Топширилган маҳсулотнинг 1500 тоннаси уруғлик шолидир. «Маданият», «Есимўзак», «Қораўзак», А.Дўсназаров номли ширкат хўжалиги шоликорларининг улуши катта бўлди. Ижарачилар билан биргаликда фермерлардан Қ.Купексев, З.Уббиниёзов, Қ.Кўсбергенов, А.Сорибоев, Ҳ.Абдиғапоров, С.Ешанов, С.Қўлбермақов ҳамда Ж.Демедовлар ҳар гектар майдондан 45-70 центнердан ошириб шоли ўриб-янчиб олдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС



Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида аёллар ўртасида ўтаётган «Tashkent open» халқаро турнири қизғин паллага кирди. Бу йилги мусобақа дунёнинг бир-биридан кучли ракеткачиларини ўзига жамлаганлиги билан диққатга сазовордир.

Маҳорати йилдан-йил ўсиб бораётган белорусиялик Татьяна Пучек WTA Tour таснифида 113-ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йилги мусобақа финалида Татьяна швейцариялик Мари-Гаян Микаэлянга (4/6, 4/6) ютқазганди. Ушанда у шундай деганди: «Дунёда ҳар йили аёллар ўртасида юзлаб йирик турнирлар ўтказилади. Улар орасида мен учун «Tashkent open» алоҳида ўрин тутади. Агар ташкилотчилар мени мусобақага таклиф этишса, Тошкентга биринчи бўлиб етиб келаман. Бу гал ҳал қилувчи учрашувда бироз омадим чопмади. Лекин, келаси йил албатта бош совринни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиламан». Афсуски, қизиқарли ва муросасиз бошланган бу йилги баҳслар Татьяна Пучекнинг юқоридаги ниятини пучга чиқарди. У дастлабки даврада турнирнинг учинчи ракеткачиси японияли Саори Обатага ютқазиб қўйди — 3/6, 2/6.

Қуръага кўра, илк учрашувни мусобақанинг биринчи рақамли теннисчиси Петра Мандула (Венгрия)га қарши ўтказган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ҳам мухлисларни ранжитди — 4/6, 6/7(3). Иккинчи вакилимиз Иванна Исроилова хитойлик Жей Шенг билан баҳс юритди — 4/6, 5/7.

— Тошкентга иккинчи маротаба келишим, — дейди украиналик мураббий Сергей Житский. — Бу гал шогирдим Юлиана Федак билан келдик. Мусобақа юксак савияда ўтмоқда. Юртингизда сўнгги йилларда қурилган янги-янги спорт мажмуалари, жумладан, теннис кортларини кўриб, очиғи, ҳайратландим. Ишонаманки, буларнинг барчаси Ўзбекистонда кўплаб иқтидорли теннисчиларнинг камолга етишига хизмат қилади. Мусобақани диққат билан кузатар эканман, саралаш ва асосий тур баҳсларида қатнашаётган Омонмуродова, Арутюнова, Исроилова, Якшибарова каби қизларингизнинг ўйинларини кўриб бунга яна бир бор амин бўлдим.

1996, 1998 йилларда ўтган «Tashkent open»нинг ғолиби Патриса Вартуш (Австрия, WTA Tour таснифида — 157-ўрин) ҳам мусобақани муваффақиятли бошлади. У ўзига нисбатан кучлироқ саналган Ольга Барабаншикова(Белорусия, 124)ни 7/6, 6/1 ҳисобларида енгди. Бугун эса Вартуш иккинчи давра баҳсида турнирнинг иккинчи ракеткачиси швейцариялик Эммануэль Галиарди(-60)га қарши кортга чиқади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мусобақа қатнашчилари Юлиана Федак (Украина), Аранча Парра (Испания) ҳамда мураббий Сергей Житский (Украина)лар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Интер-спорт

Ўйламай сўзлаган экан

Бокс бўйича 69,9 килограмм вазнли, WBC ва WBA йўналишидаги собиқ жаҳон чемпиони Оскар де ла Хойя ўзининг Шейн Мосли билан навбатдаги жангида мағлубиятга учрайдиган бўлса, катта спорт билан хайрлашмоқчи эканини айтган эди. Афсуски, бу жанг Шейн Мослининг ғалабаси билан якунланди. Тўғри, бу учрашувда Хойя аввалига ташаббус кўрсатди. Лекин учрашув охирларида унинг бўшашгани сезилди. Ҳакамлар эса Мослининг қўлини кўтариб қўя қолишди. Оскар эса: «Ўйламай сўзлаган эканман, ҳали олдинда кўп жанглар турибди. Мосли билан учрашувда эса ҳакамлар бироз шошқалоқлик қилишди чоғи», деди.

«Манчестер» акциялари сотилмоқда

Британия телерадио корпорацияси — BSkyB ўзига тегишли акциялар улушини жаҳондаги энг бой футбол клубларидан бири «Манчестер Юнайтед»га сотишга қарор қилди. Бу акциялар учун корпорация оз эмас-кўп эмас 62 миллион фунт (104 миллион доллар) ишлаб олди. Футбол клуби билан корпорация ўртасидаги бундай муомалага мамлакат ҳукумати 1999 йили асос солган эди. Қизиғи шундаки, футбол клубининг мазкур акцияларини ирландиялик икки чавандоз — от заводи соҳиблари Макманус билан Маньир сотиб олишди. Энди, уларнинг клуб жамғармасидаги акциялар улуши 23,15 фоизни ташкил этмоқда. Бу — акция эгалари энг йирик пакетга эга бўлишди деганидир.

Мулоҳаза

«ҚАДАҲЛАР ТЎЛДИРИЛСИН...»

Яхши одат ҳам, ёмон иллат ҳам ўхшаш келади, яшайверса вақт ўтиб анъана тусини олади

Яшириб нима қиламиз, бугун бизда ҳам ичмайдиган одам кам топилади. Аммо гап ичишда эмас, ким билан, қандай ичишда, нима учун ичишда. Энг муҳими меъёрини билиб ичишда. Тўғри, ичиш учун аввало сабаб жоиз. Сабаб эса топилади: тўй-томоша, байрам дегандай. Бунинг устига меҳмондўст халқмиз. Туғилган кунлар, оилавий тадбирларда дастурхонга шу «неъмат»дан тортилмаса обрў уч пул. («Тўй берган занғар, қўй берган занғар... дастурхонга ақалли бир шиша қўймади-я!» деб гапириб кетадиганлар қанча.) Хоразмда бунақа сабаблар кўп: зиёфат дейди, гурунг ёки ташкил дейишади. Жуда маданий айтилса «бир пиёла чойимиз бор» деган ибора ишлатилади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисолларга ўтамиз.

Катта тўйларда даврабоши тўйхона эгасига обрў-иззат даъвосида камида ўттиз-қирқ одамга сўз беради. Ҳар табрик, қадаҳ сўзидан сўнг албатта айтиладиган ва ҳатто даъват қилинадиган сўз бор: «Шунинг учун қадаҳ кўтариб, охиригача ичишни таклиф қиламан...» Даврада кекса чол-кампирлар бор, ёш болалар шу ерда. Қадаҳбон эса узундан-узун табрик сўзини албатта шундай ташвиқот билан якунлашга мажбур. Бу аллақачон таомилга кирган.

Тўй ўз йўлига. Кўпчилик орасида ичдинг-ичмадинг — назорат қилувчи кам. Сув ичдингми, чой ичдингми, ишқилиб «қадаҳ сўзи»га қўшилдинг. Мезбон ҳурмати, икки бахтиёр ёш ҳурмати бажо келтирилди. Бу сизга у қадар оғир тушмайди. Аммо ихчамроқ даврада...

Одатда хоразмчасига «бир пиёла чой» баҳона уюштирилган зиёфатга беш-ўн чоғлиқ одам йиғилади. Бироқ ана шу чоғроқ даврани ҳам тартиб-қоидалари шаклланган. Аввал бошда ўртани олиб боришга бирорта гаплдон танланади. Ана шу одам ихчам даврани катта гап билан очади, ўтиришнинг сабаби баҳона роса фалсафа айланади... Ҳурмат билан биринчи қадаҳ сўзи даврани фахри бўлган бирор мансаб эгасига берилади. «Ҳурматли акахон» аввало «барча қадаҳларини тўлдирсин!» деб амр беради, сўнгра маъруза ўтилади. Мезбон шаънига — унинг отабобоси, иш фаолияти, яна алламбалолар ҳақида узундан-узоқ сўзлангач, илк қадаҳга лаб текизамиз. Шу ерда шошманг. Одатимизни билмаганингиз сизга панд берди — ҳаммадан олдин қадаҳ сўзи айтган акахон билан қадаҳ уриштирдингиз. Бу мумкинмас. Бунинг учун сизга албатта пиёлани тўлатиб «жарима» қуйишади. Негаки, қадаҳ сўзи айтган акахонимизга даврабоши «қадаҳ пайи» деб роса тўлатиб беради. Шу одамдан олдин ким қадаҳ уриштирса — унга ҳам жарима пайи қуйилиши шарт.

— Ҳатто ана шу шаклланган таомилларга ҳар элат, қишлоқда янгича-янгича жарима усуллари топилган. Масалан, «қадаҳ пайи»нинг «ёнбош пайи», «манглай пайи» деган услублари бор. Демак, камида тўрт марта (ўзингиз ҳам сўз айтасиз-да) пиёлани тўлатиб ичишга мажбурсиз.

Иккинчи сўз узоқдан келган меҳмонга берилади. У ҳам сўз айтади. Сўнгра яна қадаҳ кўтарилади.

Шу тахлит уч-тўрт қадаҳ давра айланади. «Қадаҳ пайи», «ёнбош пайи», «манглай пайи» ва бошқа жарима пайлари қуйилиб туради. Ҳар уч-тўрт қадаҳ сўзидан сўнг «тим-тирс тост» дегани бор, яъни даврада қатнаша олмаётганлар шарафига ҳам ичиш... Фараз қилинг, олти киши қатнашаётган кичик даврада шу зайл ҳали ҳамма сўз айтиб бўлмасдан бирор ўн марта пиёла бўшатилади. Бу охири дегани эмас. Сабаби гапсиз қадаҳлар ҳам бор.

Хоразмликлар санъатсевар халқ. Беш-ўн кишилик давра қўшиқсиз ўтмайди. Икки-уч қадаҳ сўздан сўнг навбат қўшиққа берилади. Қадим оҳанглар давра кезади: «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Феруз»... Қўшиқ тамом бўлиши билан ана шу қўшиқларни маромига етказиб ижро қилган марҳум ҳофизлар руҳи ҳам қадаҳ кўтариб эсланади.

Ниҳоят алжирай бошлаган даврадошлар учун ўтиришнинг адоғи кўрина бошлайди. Энди мезбон сўнгги сўзни айтса, дастурхонга фотиҳа тортилса бу ердан обрўни қочирмасдан, мувозанатни сақлаб тинчгина кетиш қайғусига тушасиз. Даврабоши тағин бир бошдан мезбоннинг таърифини келтириб унга сўз беради. Ширакайф бўлиб қолган мезбон ўпкалайди: «Бу нима гап? Яхшилаб хизмат қилолмадик. Ҳали овқатимиз бор эди... Ана шу пишмаган овқат учун ҳам оламиз». Мезбоннинг «сўнгсўз»и учун ҳамма ўрнидан туриб пиёлани охиригача бўшатиши керак, йўқса...

Хуллас, охирида даврага қовун ёки тарвуз тортилади. Буни хоразмда «қамчи» дейишади. Яъни, меҳмоннинг кетишига имо, ҳайдаб солиш дегани. Шу «қамчи» учун яна бир бора тўлатиб олинади. Энди сизга «оқ йўл!»

Биз бу ўринда анчайин маданий кишилар иштирокидаги давра ҳақида сўзладик. Ёшяланглар тартиб анча қаттиқ. Улар ҳар бир бўшатилган пиёлани назорат қилишни, қадаҳ айтганнинг зиммасига юклашади. Пиёлада бир томчи қолса, жарима учун қайтадан тўлатиб қуйиш мажбурий. Бир сўз билан айтганда, Хоразмда ичишни чидаганга чиқарган.

Етти-саккиз йил муқаддам газетамизда бир воқеа ҳақида ёзгандик. Вилоятдаги катта идоралардан бирининг рахбари кичик бир даврада роса кайфи ошиб қолиб, ароқ тўла пиёлани қўл билан ушламасдан тўғридан-тўғри тиши билан тишлаб охиригача бўшатишга амр қилади. Ўзи шу усулда ичиб кўрсатади. Бошлиқнинг райидан қўрққан айримлар шу тахлит ичаман деб бирови пиёлани дастурхонга тўнкариб юборади, бирови ҳатто ёқасидан қуяди. Кажфеъли билан ном қозонган бир раис бу усулда ичишга рози бўлмайди. Бошлиқнинг: «Ичмасанг ишдан кетасан!» деган таҳдидига жавобан, ҳазил-чин аралаш: «Мен бунақа «ит ичиш»ни билмайман!» дейди. Ўшанда бу сўзи учун вазифасидан олинган раисни ҳимоя қилиб мақола ёзгандик...

Энди бунақа ичкиликбозликлар, бизга аслида ёт иллатлар ҳам, тўғриси, «коммунизм қурамиз» дея аюҳаннос солиб юрган даврларимизда, яъни совет замонида пайдо бўлиб, томир отиб кетган эди. «Комсомолча тўй»лар урф бўлиб, стол ўрнатилиб, спиртли ичимликлар кўз-кўз қилиниб териб қўйиларди. Кўп хунук одатлар қатори ичкиликбозлик ҳам ҳаётимизга кириб келганди.

Бугун мустақилмиз, ўз обрў-иззатимиз ўз қўлимизда. Соғлом авлод учун курашаяпмиз. Шундай экан ичкиликбозлик деган иллатдан қутилишимиз керак эмасми? Бу кетишда ўз-ўзимизга, миллий шаънимизга зиён етказамиз-ку.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КИТОБ — ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Китоб — маънавиятимиз ва руҳиятимиз озуқаси. Кутубхона эса зиё маскани, аҳолига маърифат улашадиган қутлуғ даргоҳ. Тошлоқ тумани марказий кутубхонаси жамоаси кутубхонани янги китоблар билан бойитиш, учрашув ва суҳбатлар уюштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда Марғилон шаҳридаги «Гулшан» очиқ турдаги китоб савдо акциядорлик жамиятидан янги бадиий ва болалар адабиётлари сотиб олинди. Бу китоблар эса марказий кутубхона ва унинг тизимидаги зиё масканлари китоб жавонларидан жой олди.

Айнан шу янги китоблар, болалар адабиётлари тумандаги 2-умумтаълим мактаби кутубхонасига ҳам берилган. Ушбу китоблар янги ўқув йилида ўз мухлисларига ҳамроҳ бўлмоқда.

Суратда: **марказий кутубхона ходимлари (чапдан) Заҳрахон Холматова ва Ҳадича Солиева.**

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Ҳикматли сўзлар маъноси

Иш бир бузилмай, тузалмас

«Бирор ишни қилсангу, у кўнгилдагидек чиқмаса, «аттанг» бузилиб қолди, энди тузатиб бўлмайди», деб умидсизланиб, бутунлай ташлаб қўйма. Яна уриниб кўр, яна бўлмаса, яна уриниб кўр... Ҳар қандай иш ҳам бирданига батамом битиб қўя қолмайди, унинг дастлаб бир-икки бузилиши, кўнгилдагидай чиқмаслиги ҳам бор» деб мазкур мақол билан ишга чидамли, саботли бўлиш зарурлигини уқтирадилар.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар

Бу билан кишининг у ёки бу ишини битирадиган, оғирини енгил, мушкулини осон қиладиган иш қуролларини ҳамиша соз сақлаш, иши битгач, бир чеккага улоқтириб, занг бостириб қўймаслиги, бузилса дарҳол тузатиши, ўтмас бўлиб қолса, чархлаб, ўткирлаб қўйиши ва ҳ.к. зарурлигини уқтирадилар.

Иш қўлингдан кетмасин, ёв йўлингдан тушмасин

Бу — кишига яхши тилаклар билдирилганда айтиладиган олқиш мақолларнинг биридир.

Ишга қўним — хирмонга унум

«Ҳар бир ишни қунт қилиб, сабр-чидам, сабот-матонат, ғайрат-шижоат билан, эринмай, ялқовликка берилмай қилсанг, меҳнатингнинг роҳатини яхши, унумли самарасини кўрасан» дейилмоқчи. «Иш билан кишининг мушкули битар»; «Тилак бошқа, иш бошқа»; «Иш хаёл билан эмас, ҳаракат билан битади»; «Иш бошланганда — эрмак, Битмай қолса — эмгак» (эмгак — меҳнат, машаққат); «Ишни совутсанг — ишдан совийсан»; «Битмаган ишга шайтон кулар».

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

Уммонда кўкка интилаётган уйғоқ тўлқинлар илк куч-қудратни денгиздан оладилар. Замин бағридан бош кўтарган жажжи ниҳол Она ер тафти, қуёш нурлари ила дарахтга айланади. Бу ҳаётнинг оддий қонунияти.

Ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай ёзадилар: «Ўзи тарбиялаб, таълим бераётган болаларида муаллимнинг ҳақи кўп. Агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади».

Қўлларимизга қалам тутқазган, ҳарф танитган, мурғак қалбимизга дунё орзу-умидларини жойлаган устозларимиз ҳар қандай таҳсин ва эъзозга лойиқдирлар.

Азизбек ҲАКИМОВ, ЎзМУ журналистика факультети I курс талабаси:

— Кўкни кафтида тутиб турган чинор ҳам қачонлардир ниҳол бўлган. Кимдир унинг улғайиши учун азият чеккан, меҳнат қилган. Илми билан оламни лол қолдирганларнинг ҳам қўлидан тутиб, кимдир илк ҳарфни бирга ёзган бўлади. Бу зот — биринчи ўқитувчи.

Мен илк қадам қўйган Чортоқ тумани Турғунпўлат Асқаров номидаги 8-ўрта мактабда моҳир муаллим — Замира Аббосова фаолият кўрсатар эдилар. Устозим (у кишини Аллоҳ раҳматига олсин!) — хушфеъл, хушчақчақ, аммо талабчан аёл эди.

Илк дарсда ўтирар эканман, ўзимни катта бўлиб қолгандай, қўпни кўргандай ҳис қилгандим. Дарс тамом бўлгач, ҳамма кетди. Мен эса мактаб ҳовлисида ўтиравердим. Сабаби уйга кетадиган йўлни билмасдим. Замира опа менга йўл кўрсатдилар. Нафақат уйимга элтадиган йўлни, балки асл ҳаёт йўлини кўрсатган бўлсалар, эҳтимол. Мен илк ўқитувчим билан боғлиқ покиза хотираларни умрим бўйи қалбимда сақлайман.

Гулруҳ ДОНЁРОВА, ЎзМУ талабаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Мен Оқолтин туманидаги Ҳамид Олимжон номли 11-ўрта мактабнинг 1-синфига борган дамларимни ҳечам эсдан чиқара олмасам керак. Чунки айни мактабларда дарслар бошланган вақтда, бироз тобим йўқлиги сабаб, 1-сентябрь куни тенгдошларим қатори мактабга бора олмаганман. Мен мактабга бориш лаҳзаларини жуда ҳам орзиқиб кута бошладим. Ниҳоят ўша кун етиб келди. 15 сентябрь, онам мени етаклаб улуғ даргоҳ остонасига олиб бордилар. Мени эса «қандай кутиб олишади?» — деган савол қийнарди.

Синф хонасига кирдик, ҳамма бизга қаради. Шунда онам ўқитувчимизга қараб, «Сизга янги ўқувчи олиб келдим» дедилар. Юзларида нур ёғилиб турган устозим Робия Тойлоқова эса, мени қулиб қарши олдилар. Қўлимдаги катта гулдастани устозимнинг қўлларига тутқаздим. Муаллимим пешонамдан ўпиб: «Ҳали шундай аълочи қиз бўлсинки, ҳамма ҳавас қилсин», — дедилар.

Орадан йиллар ўтди болаликни тарк этиб, мактаб билан хайрлашдик. Битирув куни арафасида устозимнинг уйларига бордим. Эшик қўнғироғини ҳаяжон ила босдим. Йиллар ўз ҳукмини ўтказган, сочларига оқ оралаган, меҳр тўла кўзлари билан кулиб турган устозим яна қаршимда турар эдилар. Кўзларимда севинч ёши билан ўзимни у кишининг қучоғига отдим.

ЎзМУ журналистика факультети I курс талабаси Маъмуржон МАҲМУД тайёрлади

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

шуни маълум қиладики, 2003 йил 31 октябрь ва 7, 14, 21 ноябрь кунларидаги аукцион савдоларига қўйилган:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Абдалин кўчасида жойлашган «O'ZBEKTELEKOM« очиқ акциядорлик компаниясига тегишли (Блок-Д) умумий майдони 211,0 кв.м, **бошланғич нархи — 6 343 532 сўм бўлган ёрдамчи бино объекти савдолардан олинди.**

Шунингдек, 2003 йил 5, 12, 19, 26 сентябрь, 3,10,17 октябрь кунларидаги аукцион савдоларига қўйилган «TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган, «ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз), **бошланғич нархи — 16 380 700 сўм ёки 23 556 АҚШ доллари бўлган объект Аукцион савдоларидан биржа савдоларига ўтказилди.**

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ўрин Ҳасановга онаси

ХУРСАНД аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Сирдарё вилояти давлат экспертиза бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Тошкент вилояти Идорадан ташқари давлат экспертиза бошқармаси бошлиғи

Муяссар Аҳаджоновна ДЎСТМУҲАМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур тазия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7662 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.45
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA